

Джураев Т.Т.

Тошкент молия институти «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудир, иқтисод фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУЛКИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ

ДЖУРАЕВ Т.Т. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУЛКИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мақолада республика иқтисодиётининг мулкий тузилишидаги ўзгаришлар ялпи ички маҳсулот, банд бўлганлар ва асосий капиталга киритилган инвестицияларда алоҳида мулк шакллари улушининг ўзгаришини таҳлил қилиш орқали ёритилди ҳамда унинг асосий тамойиллари кўрсатиб берилди. Миллий иқтисодиётнинг мулкий тузилишини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Таянч иборалар: иқтисодиёт мулкий тузилиши, давлат секторида бандлик, нодавлат мулк шаклларида бандлик, фуқаролар хусусий мулки, тўлиқ бандлик, самарали бандлик, хусусий тадбиркорлик.

ДЖУРАЕВ Т.Т. СТРУКТУРА СОБСТВЕННОСТИ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА И ТЕНДЕНЦИИ ЕЕ ИЗМЕНЕНИЯ

В статье рассматривается изменение структуры собственности экономики путём анализа изменения валового внутреннего продукта, занятых и доли инвестиций в основной капитал как отдельный вид собственности, а также раскрываются его основные принципы. Разработаны предложения и рекомендации по усовершенствованию структуры собственности.

Ключевые слова: структура собственности экономики, занятость в государственном секторе, занятость в негосударственном секторе, частная собственность граждан, полная занятость, эффективная занятость, частное предпринимательство.

DJURAYEV T.T. OWNERSHIP STRUCTURE IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN AND TRENDS OF ITS CHANGES

In the article the change of structure of property of economy is examined by the analysis of change of gross domestic product, employment and share of investments into the fixed assets as separate type of property, and its basic principles are revealed. Suggestions and recommendations are worked out to improve the structure of property.

Keywords: structure of property of economy, employment in a public sector, employment in private sector, private properties of citizens, full employment, effective employment, private entrepreneurship.

Иқтисодиётнинг мулкӣ таркиби, алоҳида мулк шакллари-нинг ялпи ички маҳсулот (соф миллий маҳсулот, миллий даромад, тармоқлар маҳсулоти), асосий капиталга қўйилган инвестициялар ва банд бўлганлардаги улуши каби кўрсаткичлар билан тавсифланди.

Иқтисодиётнинг мулкӣ таркиби ва ундаги ўзгаришлар кўп жиҳатдан бозор муносабатларининг қарор топганлик даражасини ифодалайди.

Иқтисодиётнинг мулкӣ таркиби ундаги алоҳида мулк шакллари-нинг улушини англатади. Мулкларнинг бу салмоғи иқтисодий тизим табиатини ҳам белгилаб беради.

Иқтисодиётнинг давлат сектори, мулкчиликнинг давлат шаклига асосланади. Бунда мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, натижаларини ўзлаштириш ва мол-мулкни тасарруф этиш турли даражадаги давлат бошқарув муассасаларига тегишли бўлади. Хусусий мулкда уни рўёбга чиқариш хусусий шахслар томонидан амалга оширилади ва улар иқтисодиётнинг хусусий тадбиркорлик секторини ташкил этади.

Республикада ялпи ички маҳсулот, инвестициялар ва бандликда давлат сектори улуши барқарор пасайиб, нодавлат, шу жумладан хусусий мулк шакли салмоғи ортиб бориши, бир томондан, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг қарор топиши жараёнини, бошқа томондан, иқтисодий, хусусан мулкӣ ислоҳотларнинг самарадорлигини тавсифлайди.

Республикада мулкӣ ислоҳотларни чуқурлаштириш натижасида 2000-2014 йилларда ЯИМда давлат сектори улуши 1,6 баробарга камайиб, нодавлат мулк шакллари улуши 1,15 баробарга яқин ортган. Ҳозирда ЯИМда мазкур икки сектор улуши нодавлат мулк шакллари фойдасига 4,8:1,0 нисбатни ташкил қилиб, улар ўртасидаги фарқ 2000 йилги кўрсаткичдан (2,6:1,0) 1,8

баробар юқорироқ даражани ташкил қилади.

Республикада бандликнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишида ҳам худди шундай тамойилни кузатиш мумкин.

Республикада кейинги йилларда иқтисодий фаол аҳоли сонидан иқтисодиётда банд бўлганлар улуши нисбатан камайиб, банд бўлмаганлар улуши қисман ортиб бориши кузатилади. 2000-2006 йилларда иқтисодиётда банд бўлмаганларнинг иқтисодий фаол аҳоли сонидан улуши ўртача 0,4%ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилдан бу кўрсаткич 5,0%га етган ва кейинги йилларда ҳам ишсизлик шу даражада сақланиб қолган. Ишсизликнинг бу кўлами унинг табиий даражасини ҳосил қилиб, ўзи билан сезиларли иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқармайди ҳамда республика иқтисодиётида кейинги йиллар амалга оширилган ижобий таркибий ўзгаришлар ҳамда модернизациялаш жараёнининг натижалари ҳисобланади.

Ўрганилган даврда республикада ишчи кучи таркибига кирадиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача 25-30 фоизи иқтисодий нофаол қисмини ташкил қилган. Аҳолининг бу қисми ўз ичига қуйидаги тоифаларни қамраб олади:

а) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган, иш ҳақи ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчи ва талабалар;

б) учинчи гуруҳ ишламайдиган ногиронлар;

в) уй бекалари ва болаларига қаровчи ишламайдиган аёллар;

1-жадвал. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби (%да)¹

	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	Ўзгариши «+» «-»
Давлат сектори	27,4	23,6	20,4	20,6	16,4	16,7	17,1	-10,3
Нодавлат сектор	72,6	76,4	79,6	79,4	83,6	83,3	82,9	+10,3

2-жадвал. Республика иқтисодиётида бандларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши (%да)²

	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	Ўзгариши «+» «-»
Давлат секторида	24,1	22,8	20,7	19,9	19,3	18,7	18,1	-6,0
Нодавлат сектор	75,9	77,2	79,3	80,1	80,7	81,3	81,9	+6,0
Шу жумладан								
Фуқаролар хусусий мулкчилигида	47,8	61,0	69,0	69,5	70,4	71,1	71,6	+23,8

г) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк ҳисобидан даромад олувчи, ишламайдиган шахслар;

д) ихтиёрий банд бўлмаганлар.

Республика иқтисодиётида банд бўлганлар мутлақ сони 2006 йилдаги 8983,0 мингдан 2014 йилда 12818,4 минг кишига (ёки 142,7 фоизга) ортиб, иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги улуши бироз камайган (4,5%га) бўлсада, унинг таркибида бозор муносабатларининг характерида мос бир қатор ижобий таъмоиллар рўй берган.

Жумладан, таҳлил қилинган даврда иқтисодиётнинг давлат секторида банд бўлганлар улуши 5,4 (24,1 дан 18,1) фоизга қисқариб, нодавлат секторида банд бўлганлар улуши шунга мос равишда 75,9 дан 81,9 фоизга ўсган.

Бандликда давлат ва нодавлат секторлар улуши нисбатида катта ўзгаришлар кузатилмасда (давлат секторида бандлик 33%га камайиб, нодавлат секторида 8,0%га ортган), уларнинг нисбий улуши кейингиси фойдасига 1,0:3,1 дан 1,0:4,5 нисбатга ортган. Нодавлат мулк шакллари ичида фуқаролар хусусий мулкчилигида бандлик энг юқори улушни ташкил қилиб (2014 йилда 71,6%), бу

кўрсаткичлар нисбий салмоғи 2000-2014 йилларда 1,5 баробар кўпайган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг мулкий тuzилишидаги анча катта ўзгаришлар асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида мулк шаклларида тақсимланиш нисбати ўзгаришида кузатилди.

Республикада ўрганилган даврда давлат мулки субъектлари асосий капиталига киритилган инвестициялар улуши 3,3 баробардан кўпроққа камайиб, нодавлат мулк шаклларида бу кўрсаткич 2,2 мартадан кўпроққа ортган. Инвестициялардаги бу икки мулк шакллари нисбати солиштирма улуши 2000 йилда давлат мулки фойдасига 1,77:1,0 нисбатни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда мазкур кўрсаткич нодавлат мулк шакллари фойдасига 1,0:4,23 нисбатга ўзгарган. Инвестицияларнинг мулк шаклларида тақсимотидаги бу қарама-қарши ўзгариш кўп жиҳатдан давлат бюджети ҳисобига амалга ошириладиган инвестициялар улушининг узлуксиз камайиб (2000 йилдаги 29,2%дан 2014 йилдаги 4,5%гача), четдан жалб қилинадиган ин-

¹ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2012. -35-б; Ўзбекистон рақамларда. – Т., 2015. -43-б.

² Ўзбекистон рақамларда. – Т., 2015. -60-б; Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. – Т., 2015. -28-б.

3-жадвал. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши (% ҳисобида)¹

	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	Ўзгариши «+» «-»
Давлат мулки	63,9	30,9	21,8	22,6	22,3	20,7	19,1	-44,8
Нодавлат мулки	36,1	69,1	78,2	77,4	77,7	79,3	80,9	+44,8
Шу жумладан:								
фуқаролар хусусий мулки	15,6	12,9	17,2	19,4	20,8	20,2	20,6	+5,0
хўжалик бирлашмалари	12,7	33,3	28,4	29,6	28,6	30,4	32,3	+19,6
қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари	6,5	16,6	28,5	23,1	21,3	21,7	20,2	+13,7
бошқа корхоналар	1,3	6,3	4,1	5,3	7,0	7,0	7,7	+6,4

вестицияларда унинг тўғридан-тўғри киритиладиган шакли улуши тўхтовсиз ортиб бориши (2000 йилдаги 29,2%дан 2014 йилдаги 78,6%га) натижаси ҳисобланади.

Республикада яқин истиқболда ҳам иқтисодиётнинг мулкий тузилишидаги ўзгаришлар нодавлат мулк шакллари нисбати фойдасига рўй беради. Ўз навбатида бундай ўзгаришлар нодавлат мулк шакллари ички тузилишига ҳам тегишли бўлади.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон иқтисодиёти мулкий тузилишидаги ўзгаришларни тақозо қилувчи йўналишлар сифатида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин.

- Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш. Бу, бир томондан, нодавлат мулк шакллари, бошқа томондан, унинг таркибида фуқаролар хусусий мулки улушининг барқарор ўсишига олиб келади.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда 20 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 195 мингдан кўпроққа етган. ЯИМни шакллантиришда бу соҳанинг улуши 2000 йилдаги 31%дан 2014 йилда 56%га етган. 2014 йилда яратилган янги иш

¹ Ўзбекистон Республикаси, йиллик статистик тўплами. – Т., 2012. -262-б; Ўзбекистон рақамларда. – Т., 2015. -154-155-б.

ўринларининг ярми (480 мингдан ортиқ) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тегишли бўлган. Ҳозирги кунда бу соҳага барча банд бўлганларнинг 76,5%и тўғри келади².

Истиқболда ҳам "...кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлаш..."³ энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

- Ўзбекистонда бандликнинг мулкий таркибида рўй берган ўзгаришлар, миллий иқтисодиётда хусусий мулк ва унинг доирасида хўжалик юритишнинг турли-туман шакллари устувор ўрин эгаллаб бораётганлигини кўрсатади. Бу тамойил истиқболда ҳам иқти-

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. -17-б.

содиётнинг мулкчилик таркибидаги муқаррар рўй берадиган ўзгаришлар туфайли ўз ўрнини сақлаб қолади.

Ўзбекистон иқтисодиётида бандликнинг таркиби ва унинг ўзгаришига хос асосий таъминловчи таҳлили яқин истиқболда самарали бандликка эришиб бориш бандлик сиёсатидаги долзарб вазифалардан эканлигини кўрсатади. Буни амалга ошириш учун меҳнат ресурсларининг умумий сонидан иқтисодий фаол қисмининг улуши ўсиб боришига хос ижобий таъминловчиларни сақлаб қолиш ва кучайтириш лозим. Бунда меҳнат қилишнинг умумий шарт-шароитлари ва жозибдорлигини ҳамда ходимлар фаолияти натижаларидан манфаатдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш муҳим ўрин тутди. Меҳнат ресурслари таркибида унинг иқтисодий фаол қисмининг салмоғини ўстириб боришда, тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ишлайдиганлар ёки уйда бажариладиган ишлар кўламини кенгайтириш, жамоат ташкилотларида ишловчиларнинг кафолат ва имтиёзларини давлат муассасалари ходимлариники билан тенглаштириш, ўзини иш билан таъминлашнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, «кўча» тадбиркорлигига расмий мақом бериш кабилар ҳам кам аҳамиятга эга эмас.

• Иқтисодиётда банд бўлганларнинг меҳнат ресурслари ва аҳоли иқтисодий фаол қисмидаги салмоғини мақбул даражада ушлаб туриш. Республикада мазкур тоифадагиларнинг меҳнат ресурсларидаги улуши 2000-2014 йилларда нисбатан беқарор тебраниб, унинг кўлами 65,3%дан (2010 й.) 71,0% гача (2014 й.) ўзгарган¹. Бу йиллар бўйича меҳнат ресурсларининг 29,0% дан 34,7% гача бўлган қисми миллий иқтисодиётда банд қилинмаганлигини англатади. Меҳнат ресурсларининг иқтисодий нофаол қисмининг бу кўрсаткичи ички банд-

ликка қиёсан аниқланган. Агар республикада меҳнат ресурсларининг бир қисми учун норасмий ташқи миграция ҳам хослиги ҳисобга олинса, «Банд»лар улуши бирмунча ортади. Шу сабабли, ишчи кучининг норасмий ташқи бандлигини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларни давлат меҳнат муассасаларида расмий банд бўлганлар сифатида қайд қилиш механизмининг ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

• Республика иқтисодиётида банд бўлганлар ва иқтисодий фаол аҳоли сони ўртасидаги фарқ ишсизлар сонини кўрсатиб, унинг даражаси кейинги йилларда нисбатан ўсаяётганлиги ишсизлик табиий даражасига яқинлашяётганлигини англатади. Ишсизликнинг табиий даражада мавжуд бўлиши бозор конъюктурасида рўй бериши мумкин бўлган кутилмаган кескин ўзгаришлардан кафолатлиниш учун аҳамиятлидир. Бунда ишсизликни тартибга солишда давлат меҳнат муассасалари фаолигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тақозо этилади.

• Бандликнинг мулкчилик шакллари бўйича рўй бериши кутиладиган ўзгаришлар истиқболда ҳам давлат секторида банд бўлганлар улуши нисбатан камайиб нодавлат сектордагилар салмоғи ортиб бориш ҳисобига содир бўлади. Бунда ҳар бир мулк шакли доирасида бандлик таркибида рўй берадиган ижобий ўзгаришларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу ижобий ўзгаришлар ишлаб чиқариш самарадорлиги нисбатан паст бўлган хўжаликлардан анча юқори самарадорликка эришганлари, меҳнат ресурсларининг қайта тақсимланиб туриши натижасида нафақат тўлиқ, балки самарали бандлик ҳам таъминланиб боришида ўз ифодасини топиши зарур. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларини очиқ турига айлантириш орқали улар фаолиятида аҳолининг кенг қатлами ва чет элликларнинг ҳам иштирокини таъмин-

¹ Муаллиф томонидан ҳисобланган: Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. – Т., 2015. –21–23-б.; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2012. –58,59-б.

лаш хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарда банд бўлганлар улушини ўстириш, фуқаролар хусусий мулкчилигидаги бандликни ҳар томонлама рағбатлантириш мулкчилик шакллари доирасида яқин истиқболда самарали бандликка эришиб боришнинг муҳим йўналишлари бўлиб қолиши лозим.

- Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини янада чуқурлаштириш. Бу соҳада ҳозирги босқичдаги муҳим устувор йўналиш иқтисодиётдаги давлат улушини иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биринчи навбатда, аввало, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор, маҳсулотларига талаб йўқлиги сабабли тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган давлат корхоналарини профессионал хорижий инвесторларга уларни қайта тиклаш ва ушбу корхоналар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан «ноль» қийматида сотиш зарур»¹.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидаги навбатдаги йўналиш – иқтисодиётда корпоратив мулк ёки акциядорлик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, саноат тармоқларида мулкчиликнинг бу шаклини янада ривожлантириш ҳисобланади. Бу борада «... Ўзбекистон шароитида юртимиз сармоядорлари билан бир қаторда чет эллик инвесторлар акция-

ларга эга бўлган мулкчилик шакли энг мақбул бўлиб, ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда»².

- Миллий иқтисодиётга қўйилган капитал қўйилмаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушини ўстириб бориш. 2000-2014 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши икки баробардан кўпроққа ортиб, 2014 йилда 78,6%ни ташкил қилган.

- Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар улушини ошириб бориш. Республикада бундай инвестициялар ҳажми фақат 2014 йилнинг ўзида 10,3%га ўсиб, жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30%ини ташкил этган³.

- Жами инвестицияларда фуқаролар хусусий мулки ҳисобига шаклландиган маблағлар салмоғини ўстириб бориш. Республикада бундай маблағларнинг жами инвестициялардаги улуши ўзгаришига нисбатан беқарорлик тамойили хос. Унинг ялпи инвестициялардаги улуши 1997 йилдаги 10,5%дан, 1998 йилда 19,5%га етган, кейин яна пасайиб, 2001 йилда 10,3%лик даражага тушган. 2010 йилдан мазкур маблағлар улуши барқарор ўсиб (16,0%), 2014 йилда 24,7%лик даражага етган⁴.

- Хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш. Ҳозирги кунда республикада машинасозлик, нефть-газ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхоналар муваффақиятли

² Ўша жойда.

³ Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2005 года. – Т., 2015. – С. 17.

⁴ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2008. – 277-б; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2012. – 260-б; Ўзбекистон рақамларда. – Т., 2015. – 155-б.

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

фаолият юритмоқда. Бу миллий хўжалик мулк-кий тузилишини такомиллаштириш билан бирга иқтисодиётимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг турини кўпайтириш, жаҳон бозоридаги рақобатдош янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш имконини бермоқда¹. Республика иқтисодиётининг мулк-кий тузилиши такомиллашувига олиб келувчи мазкур омиллар нодавлат мулк салмоғини ўстириб бориш билан бирга, унинг самарадорлигини оширишни ҳам таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.
2. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. – Т., 2009. -386-б.
3. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2012. – Т., 2013. -356-б.
4. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2013. – Т.: 2014. -362- б.
5. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2012 йил. – Т., 2013. -70-б.
6. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года. – Т., 2015. –С. 85.
7. Труд и занятность в Узбекистане. – Т., 2013. –С. 127.
8. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. – Т., 2015. -139-б.
9. Ўзбекистон рақамларда 2015. – Т., 2015. -213-б.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. -20-б.